# ҲАЗРАТИ ОЛИЙ ИШЧИЛАР СИНФИ, ЎЗ САФИГА ЧОРЛАЙДИ СИЗНИ!



**Ҳар йили юзлаб йигит-қизлар умумтаълим мактабларини битирганларидан сўнг уч орденли В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга келадилар. Улардан кўплари бажарадиган ишларини олдиндан белгилаб олган бўладилар. Қасб ўрганмай ишга келганлар учун ҳам ҳамма шароит яратилган. Завод қошида ёшларни касбга йўналтириш бўйича иш олиб борадиган хона бу соҳада уларга яхши маслаҳатгўй бўлади. Бу ерда хоҳлаган касбни танлаш мумкин. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, заводда ишчилар 250 мутахассислик бўйича меҳнат қиладилар. Ҳар бир соҳанинг иши ўзига хос қизиқарли. Биз тавсия қилаётган касблар машинасозлик корхоналарида энг оммавий ва зарур ихтисослар қаторига киради.**

## Слесарь–йиғувчи

▲ **ҚИСҚАЧА КАСБ ҲАҚИДА.** Авиабирлашмадаги слесарлик мутахассислари ичида энг кўп тарқалгани — механик йиғув ишлари слесарларидир. Слесарь-йиғувчи деталларни фрезерлайди, силлиқлайди ва бошқа операциялар учун бичади, чизмаларда кўрсатилган даражадаги ҳажмга деталларни узил-кесил етказади, алоҳида деталлар ва узелларни йиғади.

Слесарь-йиғувчи тишли узатгичларни регулировка қилади, ён ва радиал бурмаларни (завор) чизмада кўрсатилганидек техник шароитга мослайди, деталларнинг текис айланиши ва ҳаракатланишини таъминлайди. Йиғилган машина ва механизмларни махсус стендларда синовдан ўтказади. Йиғиш мобайнида йиғув чизмалари, кинематик схемалар, технологик карталардан фойдаланади.

▲ **БУ КАСБДА ИШЛАБ ТУРИБ...** Йиғув ишлари қоида ва усулларини, самолётлар турли қисмлари ва узелларини, механизмларни йиғиш технологияси асосларини ўрганиб оласиз. Бундан ташқари турли хил металл, металл жисм ва ўлчаш асбобларидан, мосламалардан, шаблонлар ва ускуналардан фойдаланишни ўзлаштирасиз.

▲ **КАСБНИ ЎРГАНИШ УЧУН ЗАРУР СИФАТЛАР.** Иш ғоятда сезгирликни, кўз билан яхши чамалай билишни, жисмоний чидамлилик, эътиборлиликни талаб этади.

▲ **БЎЛАЖАК ИШ ШАРОИТЛАРИ.** Иш қатъий индивидуал, бир ёки икки сменали (сменалар ҳафталик бўлади) бўлиши мумкин.

▲ **БУ КАСБНИ** бевосита корхонадаги ўқув-ишлаб чиқариш цехида ёки оталиқдаги бирлашган билим юртлари — 166-шаҳар махсус профессионал техника билим юртида (Тошкент, Генерал Петров кўчаси, 331) ва 2-техника билим юрти (Тошкент, У. Юсупов кўчаси, Авиационний проезд, 10)да эгаллашингиз мумкин.

## Темирчи–штамповкачи

▲ **ҚИСҚАЧА КАСБ ҲАҚИДА.** Металлга ишлов беришнинг кенг тарқалган ва тежамли усулларидан бири — штамповка қилишдир. Турли конструкциялардаги кўплаб деталлар штамповка усули билан бир ва икки йўлли штампга эга бўлган тобловчи машиналарда 30 тонна босимли фрикцион прессларда, 3 тонна ва ундан ортиқ куч билан тушадиган болғаларда, турли маркадаги пўлат, титан ва бошқа металлардан тайёрланган 1 минг 600 тонна босимга эга бўлган тоблаш штамп-прессларда тайёрланади. Деталларни эгиш ва горизонтал эгилувчан пресслар ёрдамида текис юзали материалларни иссиқ ва совуқ ҳолатда ишлаш жараёнида амалга оширилади. Темирчи-штамповкачилар металларни чўкдирадилар, чўзадилар ва кесадилар, унча чуқур бўлмаган айлана шаклидаги ва тўғри бурчакли туйнуклар тешадилар, штампларни ва ускуналарни ўрнатадилар. Кичик ҳамда ниҳоятда катта бўлган самолёт ускуналарини тайёрлайдилар.

▲ **БУ КАСБДА ИШЛАБ ТУРИБ...** Болғалар, presslar конструкцияси ва ишлаш принципларини, тоблаш машиналари ва қиздириш печкаларига хизмат кўрсатиш қоидасини, металлар ва металлшунослик технологиясини, уларнинг физик, химик ҳолатини, ҳароратини ва қиздирилган ҳолда штамповка қилишда ишлов беришни ўрганиб оласиз.

▲ **КАСБНИ ЎРГАНИШ УЧУН ЗАРУР СИФАТЛАР.** Кўз билан яхши чамалай билиш, диққат-эътиборни жамлай билишни, ҳаракатларга тез мослаша билишни ва металлар рангини ажрата билишни ўрганиш лозим.

▲ **БЎЛАЖАК ИШ ШАРОИТЛАРИ.** Бир сменали, бригадали ёки индивидуал.

▲ **БУ КАСБНИ** бевосита ишлаб чиқаришда, бирлашманинг тайёрлаш-штамповкалаш цехларида ишлаб эгаллаш мумкин.

## Токарь

▲ **ҚИСҚАЧА КАСБ ҲАҚИДА.** Токарлик — металларга ишлов берувчи энг оммавий касблардан биридир. Инсоният юзлаб йиллар мобайнида металлга ишлов берувчи мосламани такомиллаштириш ҳақида бош қотириб келади. Фаннинг исботлашича, дастлабки оддий токарлик мосламалари эрамизгача бўлган сўнгги минг йиллик охирларида пайдо бўлган. Эрамизгача бўлган 900—800 йил аввал эса кўплаб қўлланила бошлаган.

Бугунги кунда эса токарлар турли хил энг мукаммал станокларда ишламоқдалар. Бу касб бир-бирига яқин кўплаб касбларга бўлинади. Токарь каруселчи, токарь револверчи, токарь лекалчи ва бошқалар. Бу касбларнинг барчасини ўзлаштирган мутахассис токарь — универсалчи деб аталади.

Токарлик станокларда тайёрланадиган деталларга силлиқ ва босқичли валлар, ўқлар, втулкалар, ҳаракатлантирувчи винтлар ва бошқа цилиндрсимон ва конус шакллардаги деталлар киради. Детални тайёрлаш учун эса станок шу детални (унинг қандай шаклда эканлигига) ишланишига қараб мослаштирилади.

▲ **БУ КАСБДА ИШЛАБ ТУРИБ...** Чизма бўйича ишларни бажариш, турли хил шаклга эга бўлган ҳар хил типдаги кесувчи асбоблардан фойдалана билиш маҳоратига эга бўлиш лозим. У асбобни чарҳлаш ва ишга ҳозирлаш ишларини амалга оширади, станокни турли хил шакл ва йўналишдаги резбаларни очишга созлайди. Токарь ишлов беришнинг оқилона усулларини танлай олиши ва ишлов берилаётган детални аниқ ўлчай билиши керак.

▲ **БУ КАСБНИ ЭГАЛЛАШ УЧУН ЗАРУР СИФАТЛАР.** Кўриш сезгисининг мутаносиблиги, тайёрланаётган деталларни кенг тасаввур эта олиши, эътиборлилик, саботлилик талаб этилади.

▲ **БЎЛАЖАК ИШ ШАРОИТЛАРИ.** Иш икки сменали. Сменалар ҳафталик бўлади.

▲ **БУ КАСБНИ** бевосита ишлаб чиқаришда, бирлашма ўқув-ишлаб чиқариш цехида ёки 2-техника билим юрти (Тошкент, У. Юсупов кўчаси, Авиационний проезд, 10)да ва 166-шаҳар ҳунар-техника билим юрти (Тошкент, Генерал Петров кўчаси, 331)да эгаллашингиз мумкин.

## Йиғувчи–парчинловчи

▲ **ҚИСҚАЧА КАСБ ҲАҚИДА.** Авиация саноатида парчинлаш энг оммавий ишлардан бири ҳисобланади. Парчинловчилар самолёт қурилишининг 30 процент ишини бажаради ёки 80 мингдан зиёд деталларни парчинланган чоклар ёрдамида туташтиради. Парчинловчи қуювчилар, темирчилар, токарлар, фрезерчилар бошлаган ишни якунлайди, бир қанча деталлар унинг меҳнатидан сўнг тайёр агрегатга айланади.

Парчинловчи жуда кўп операцияларни амалга оширади: оддий қўл ишларидан тортиб, мураккаб аппаратларни йиғиш ва синаш ҳам шу ажойиб касб эгаси зиммасига юкланади. Юқори малакали ишчи пневмодрел, пневмоболға, қайчи, развертка ва бошқалар сингари 50 хилга яқин асбоб ёрдамида 400 дан зиёд хилма-хил операцияларни амалга ошира олади.

▲ **БУ КАСБДА ИШЛАБ ТУРИБ...** Самолётнинг фюзелляж, қанот, дум таянчларининг тузилишини ва асосий кучланиш иш схемаларини, металлар технологияси, пневматик асбобнинг ишлаш принципларини, жойлаштириш меъёри принципларини билиб оласиз.

▲ **КАСБНИ ЭГАЛЛАШ УЧУН ЗАРУР СИФАТЛАР.** Парчинловчи чидамли, кўз билан яхши чамалайдиган, диққат-эътиборли, техник жиҳатдан ишнинг кўзини биладиган бўлиши зарур.

▲ **БЎЛАЖАК ИШ ШАРОИТЛАРИ.** Йиғувчи-парчинловчи иши индивидуал ҳамда бригада усулида, бир сменали бўлади.

▲ **БУ КАСБНИ** бевосита ишлаб чиқаришнинг ўзида, йиғув-парчинлаш цехида, шунингдек бирлашма оталиғидаги 166-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юртида ва 2-техника билим юртида эгаллаш мумкин.

## Фрезерчи

▲ **ҚИСҚАЧА КАСБ ҲАҚИДА.** Фрезерчи турли фрезер станокларида ишлаб, тишли шестерналар, фасонли юқори қисмлар, пазалар ва бошқа самолётсозлик ускуналари тайёрлайди.

Мураккаб операцияларни аниқ амалга ошириш учун фрезеровкачи замонавий асбоблар билан ишлайди. Станокда иш жараёнида асосий ҳаракатни (айланувчи) кесувчи асбоб-фреза бажаради. Фрезерчи заготовкани станок столига мустаҳкамлаб, деталнинг сиртини йўнади ва уни зарур бўлган ҳажмга келтиради, шунингдек, уларнинг сиртини тозалайди. Фрезерчи иш жараёнида фрезерлаш ҳисобида назарда тутилган ишларни амалга оширади, ишлов бериш ва кесиш режимлари изчил бўлишини белгилайди.

Бундан ташқари фрезерчи ўлчовчи ва ёрдамчи асбоблардан ҳам фойдаланади.

Фрезерчи иши ниҳоятда турли-туман ва қизиқарли бўлиб, у кўпинча анча мураккаб деталлар тайёрлайди.

▲ **БУ КАСБДА ИШЛАБ ТУРИБ...** фрезер станоги, унинг узеллари ҳамда деталлари ўрганилади. Металларни қайта ишлаш технологияси кесиш режимлари аниқлигини, тўғри ўлчай билиш малакаларини эгаллаб оласиз.

▲ **КАСБНИ ЭГАЛЛАШ УЧУН ЗАРУР СИФАТЛАР.** Бу касбда ишлайдиган киши кўз билан яхши чамалай оладиган, диққат-эътиборли, эпчил ва қўл ҳаракатларини аниқ мувофиқлаштира оладиган бўлиши лозим.

▲ **БЎЛАЖАК ИШ ШАРОИТЛАРИ.** Фрезерчи иши индивидуал ва икки сменали бўлади.

▲ **БУ КАСБНИ** бевосита ишлаб чиқаришда ёки бирлашма оталиғидаги 166-ўрта ва 2-техника билим юртларида эгаллаш мумкин.

## Қолипловчи

▲ **ҚИСҚАЧА КАСБ ҲАҚИДА.** Қуювчиликда асосий ишлардан бири — қолипловчилик ҳисобланади.

Қолиплаш икки хил — қўлда ва машинада қолиплаш усулларида амалга оширилади. Қўлда баъзи бир деталлар ва оз туркумда чиқадиган қисмлар учун қолиплар тайёрланади. Қўлда қолип тайёрлаш жараёни қуюв шаклларини тайёрлаш ҳисобланади. Қолипловчи уни тупроқ қоришмадан тайёрлайди. Қоришма ўтга чидамли, газ ўтказмайдиган, ёпишқоқ ва мустаҳкам бўлиши лозим.

Машинада қолиплаш процесси эса бир мунча осон кўчади. Чунки юқорида санаб ўтилган қўл ишларини механик мосламалар амалга оширади.

Қолипловчилик касби ниҳоятда мураккаб бўлиб, у турли хил фасон ва ўлчовдаги деталларни ясашда катта маҳорат кўрсатишни лозим бўлади.

▲ **БУ КАСБДА ИШЛАБ ТУРИБ...** Турли хил қоришмалар составини ва хусусиятларини, шаклларни тўлдириш зичлигини, газ ўтказмаслигини, қуритиш режимларини билиб оласиз.

Шунингдек, ўзингиз детал тайёрлаётган металларнинг физик ва химик хусусиятларини, иссиқлик меъёри ва маҳсулот сифатини тўғри аниқлай билиш малакаларини ҳосил қиласиз.

▲ **КАСБНИ ЭГАЛЛАШ УЧУН ЗАРУР СИФАТЛАР.** Қолипловчи ҳаракатларни мувофиқлаштира олувчи, кучли, эпчил, чидамли бўлиши керак. Шунингдек, кўз билан яхши чамалай оладиган, диққат-эътиборли бўлиши лозим.

▲ **БЎЛАЖАК ИШ ШАРОИТЛАРИ.** Иш бригадали ва индивидуал, бир сменали.

▲ **БУ КАСБНИ** бевосита ишлаб чиқаришда, бирлашманинг қуюв цехида эгаллаш мумкин.

### ИШЛАБ ТУРИБ ЎЗ МАЛАКАНГИЗНИ ОШИРИШИНГИЗ МУМКИН

Корхонада умумий ва иқтисодий таълимни янада ошириш учун барча шароитлар яратилган. Сменали кечки мактаблар, Ю. А. Гагарин номидаги авиация техникуми (Тошкент шаҳар, Куйбишев кўчаси 12), Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг самолётсозлик факультети (Навоий кўчаси, 17)да ўз малакангизни оширишингиз мумкин. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда самолётсозлик бўйича инженер-механик, металлга совуқ ишлов бериш бўйича инженер-технолог, инженер-иқтисодчи, автоматика системаларини монтаж қилиш ва ҳисоблаш техникаси назорати бўйича инженер-механик, саноат асбоб-ускуналари ремонти бўйича техник-механик, техник-асбобсоз, конструктор дипломини олишингиз мумкин.

### СИЗНИНГ КЕЛАЖАГИНГИЗ

Тажриба тўплагач ва махсус маълумотга эга бўлгач, бригадир, мастер, цех бошлиғи ва ҳоказо бўлишингиз мумкин.

### МАИШИЙ ШАРОИТЛАР

Завод қошида яхши жиҳозланган ётоқхоналар, дам олиш уйлари, пансионатлар мавжуд. Ҳар йили минглаб чкаловчилар касаба союзлари йўлланмалари билан мамлакатимизнинг марказий соғломлаштириш муассасаларида бўладилар. Заводда иккита клуб бор. Уларда турли тўгараклар, комсомол-ёшлар театри ва театр студияси иш олиб боради. Заводнинг «Старт» стадионида спорт билан актив шуғулланишингиз мумкин.

**МАТЕРИАЛЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ БИЛАН В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БИРГАЛИКДА ТАЙЁРЛАГАН.**



«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41, Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—32-55-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

31 МАЙ, 1983 й. Р—07228. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12